

# **“Ат-Термизий” маҳалласида сайёр қабул бўлиб ўтди**



Термиз туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Маърифат Расурова ҳамда Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлигига 7-“Ат-Термизий” сайлов округидан сайланган депутат Акмал Авлияқуловлар иштирокида туманнинг “Ат-Термизий” маҳалласида сайёр қабул ўtkазилди.

Маҳалла аҳлиниң мурожаатларини тез ва манзилли ўрганиш мақсадида ташкил этилган сайёр қабулда 12 нафар фуқароларнинг ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминоти, уй-жой таъмири, даволаниш ва ўқиш учун моддий ёрдам ажратиш, ишга жойлашиш, йўл таъмири каби муаммо ва мурожаатлари мутасаддилар томонидан тингланди.

Масъуллар иштирокида кўриб чиқилган мурожаатларнинг тўрттаси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилган бўлса, бешта мурожаатлар мутасаддиларга йўналтирилиб ижроси назоратга олинди. Айрим мурожаатларга мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилди.

Айрим фуқароларнинг мурожаат ва муаммолари жойига борган ҳолда ўрганилди.